

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил июнь ойининг 5 куни, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Туман судининг судьяси З.Шаропов раислигида, судья ёрдамчиси З.Ҳаққулованинг котибалигида, халқ маслаҳатчилари А.Кучкаров ва Т.Рахимовлар таркибида, тарафлардан давлат айбловчиси - Зангиота туман прокурорининг ёрдамчиси А.Каипбергенова, судланувчи А.А, унинг ҳимоячиси адвокат Б.Мухамедов, жабрланувчи М.Турсуновларнинг иштирокида, А.Ага оид 1-1101-2303/136-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

А.А, 25.04.1992 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта махсус, бўйдоқ, вақтинча ишламайди, муқаддам судланмаган, Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Боғдод ШФЙ, Ёшлик кўчаси, 8-уйда яшаган, иш бўйича 14.06.2016 йилда “сиртдан қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 18.01.2023 йилда ушланган, айблов хулосаси нусхасини 03.03.2023 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, 164-моддаси 4-қисмининг “в” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “б” банди ва 223-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан айб эълон қилинган.

Суд ҳайъати, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга юридик баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

А.А, уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов (*ушбу иш бўйича судланган*) ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда 2015 йил 11 декабрь куни соат 01:00 ларда ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида, аввалдан кузатувга олган, фуқаро Эркаева Умида Тулкиновнага тегишли Янгийўл тумани Самарқанд кўчасида жойлашган “Арт Бизнес Сервис” МЧЖга қарашли маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги. “Нексия ДОНС 2” русумли, давлат рақам белгиси 01 S 691 SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билиб, Ж.А.Азизов жиноий шериклари билан ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга эшикни бузиб, ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган бир дона баҳоси 750.000 сўмлик “Samsung” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 850.000 сўмлик “Comer” русумли чангютгич, бир дона



баҳоси 850.000 сўмлик “Roison” русумли чангютгич, икки дона умумий баҳоси 1.700.000 сўмлик “Roison” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 3.000.000 сўмлик “Samsung 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 2.300.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.800.000 сўмлик “Artel 24” русумли телевизор, бир дона баҳоси 750.000 сўмлик “Roison” русумли печь, бир дона баҳоси 900.000 сўмлик “Samsung” русумли микротўлқинли печни яширин равишда қўлга киритиб, воқеа жойидан яширинганлар. А.М.Абдуқодиров жиноий шериклари билан қасддан содир этган жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида У.Т.Эркаевага жами 12.900.000 сўм миқдорда моддий зарар етказишган.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик йўли билан моддий бойлик ортириш мақсадида, 2015 йил 15 декабрь куни соат 02:00 да уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида аввалдан кузатувга олган, Маматкулова Дилнура Сагатибаевнага тегишли, Ўртачирчиқ тумани Туйтепа шаҳри Тошкент йўли кўчасида жойлашган “Имкон Файз Люкс” МЧЖга қарашли маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги “Нексия ДОНС2” русумли, давлат рақам белгиси 01 S 691 SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигига ишонч ҳосил қилиб, Ж.А.Азизов жиноий шериклари билан ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга эшикни бузиб, ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган бир дона баҳоси 3.000.000 сўмлик “Roison 42” русумли телевизор, бир дона баҳоси 3.700.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 900.000 сўмлик “Roison” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 510.000 сўмлик “artel” русумли печни яширин равишда олиб чиқиб воқеа жойидан яшириниб, А.М.Абдуқодиров жиноий шериклари билан қасддан содир этган жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида Д.С.Маматкуловага жами 8.110.000 сўм миқдорда моддий зарар етказишган.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик йўли билан моддий бойлик ортириш мақсадида, 2015 йил 27 декабрь куни соат 01:30 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида аввалдан кузатувга олган, фуқаро Мамадалиев Ислонбек Масудовичга тегишли, Бўка тумани Бўка шаҳри Ўзбекистон кўчасида жойлашган “Давр” МЧЖга қарашли маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги. “Нексия ДОНС2” русумли, давлат рақам белгиси 01 S 691 SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билишгани, шундан сўнг, Ж.А.Азизов жиноий шериклари билан



ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга эшикни бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган бир дона баҳоси 1.300.000 сўмлик “Artel 28” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.500.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.800.000 сўмлик “Samsung 40” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.400.000 сўмлик “LG 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.600.000 “roison 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “Samsung 22” телевизор, тўрт дона умумий баҳоси 1.400.000 сўмлик “uzdigital tv тюнери”, ўн дона умумий баҳоси 900.000 сўмлик “Huavee Hd” тюнерлари, икки дона умумий баҳоси 380.000 сўмлик DVD Wadragon, Ruino Lg” русумли DVD, бир дона баҳоси 280.000 сўмлик “Дух ASEЛ 33L”, бир дона баҳоси 320.000 сўмлик “Дух ASEЛ 38L”, бир дона баҳоси 230.000 сўмлик “ДухITIMAT3SL”, бир дона баҳоси 310.000 сўмлик “Samsung” русумли микротўлқинли печь, бир дона баҳоси 380.000 сўмлик “Samsung 5610” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 350.000 сўмлик “samsung 5640” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 340.000 сўмлик “samsung 5630” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 85.000 сўмлик “LED KM 783C” русумли фанар, бир дона баҳоси 340.000 сўмлик “microlab” русумли овоз буфери, бир дона баҳоси 325.000 сўмлик “Bombox” русумли овоз буфери, бир дона баҳоси 285.000 сўмлик “Bombox” русумли овоз буферларини яширин равишда олиб чиқаётган вақтда баҳоси 425.000 сўмлик акфа эшигини синдириб воқеа жойидан яширинганлар.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, бошқа жиноятга тайёргарлик кўриш мақсадида 2016 йил 18 январь куни соат 01:30 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда автотранспорт воситаларининг ва уларнинг тиркамаларининг давлат рақам белгиларини оғир оқибатларга сабаб бўлган, эгаллаб, нобуд қилиб, шикаст етказиб ва давлат рақамини яшириш мақсадида аввалдан кузатувга олган, фуқаро Хамидов Гиёс Рахимжон ўғлига тегишли Зангиота тумани Масалбой к.ф.й., Ойдин кўчаси, 8-уй олдида турган “Газ 53Б” русумли давлат рақам белгиси 10 Н 452 НА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятда эгаллаб, воқеа жойидан яширинганлар.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, босқинчилик йўли билан ўзганинг мол-мулкни босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, 2016 йил 18 январь куни уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Фафуров кўчаси, 93-уйда жойлашган Халилов Алишер Ахмаджоновичга тегишли “Roison” номли дўконда босқинчилик жинояти содир этиш режасини тузишган.



Жиноий режага асосан, шу кунни соат 01:30 ларда А.М.Абдуқодиров жиноий шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматов билан Зангиота тумани, Келес шаҳри, К.Ғафуров кўчаси, 93-уйда жойлашган “Roison” номли дўкон олдига келиб, дўкон қоровули 1947 йилда туғилган Турсунов Мирпўлатга ҳужум қилиб, ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб, юз ва бош санасига қўллари билан уриб-дўппослаб, ҳушидан кетказиб, дўкон ичига ойнасини синдириш йўли билан ғайриқонуний равишда кириб, у ердан баҳоси 2.050.000 сўмлик бир дона “Aser” русумли ноутбук, жами баҳоси 4.100.000 сўмлик икки дона “Lenova” русумли ноутбук, баҳоси 2.200.000 сўмлик бир дона “HP” русумли ноутбук, ҳар-хил турдаги 8 дона жами баҳоси 5.280.000 сўмлик телефон аппаратлари, бир дона баҳоси 1.400.000 сўмлик “ART Vision” номли планшет, бир дона баҳоси 36.000 сўмлик компьютер мишкаси, бир дона баҳоси 300.000 сўмлик “Дижитал” картасини қўлга киритиб воқеа жойидан яширинган, А.М.Абдуқодиров жиноий шериклари билан содир этган жинояти натижасида А.А.Халиловга жами 15.366.000 сўмлик анча миқдорда моддий зарар етказгани, тергов ҳаракатлари давомида Ж.А.Азизовнинг хонадонидан бир дона “Lenova” русумли ноутбук ва бир дона “ART Vision” номли планшет ашёвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик йўли билан моддий бойлик орттириш мақсадида, 2016 йил 26 январь кунни соат 02:30 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда ўғирлик жиноятини аввалдан кузатувга олган, фуқаро Абдуллаева Дилдора Дилмуротовнага тегишли, Бўка тумани, Бўка шаҳри, Навоий кўчаси, Шох бекатда жойлашган 10-сонли маиший техника дўконига Ж.А.Азизовнинг бошқарувидаги, “Нексия ДОНС2” русумли, давлат рақам белгиси 01 S 691 SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билишгани, шундан сўнг, Ж.А.Азизов жиноий шериклари билан ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга дераза ойнаси орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган икки дона умумий баҳоси 2.900.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.000.000 сўмлик “Artel 24” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.350.000 сўмлик “LG” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.350.000 сўмлик “Samsung 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “LGLED22” русумли телевизор, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “Samsung 19” русумли телевизор, бир дона баҳоси 2.000.000 сўмлик “Samsung” русумли ноутбук, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “телевизор ДВД”, икки дона умумий баҳоси 100.000 сўмлик “Filips” русумли антенна, бир дона баҳоси 180.000 сўмлик, “Samsung 5230” русумли телефон аппарати, бир дона баҳоси 160.000 сўмлик “Nokia



102” русумли телефон аппарати, бир дона баҳоси 350.000 сўмлик “Artel” русумли электро печь, бир дона баҳоси 400.000 сўмлик “Artel” русумли электропечь, 170.000 сўм нақд пуллар, умумий баҳоси 1.160.000 сўмлик беш дона 2 ГБ бўлган флешка, беш дона 1 ГБ бўлган флешка, икки дона 4ГБ бўлган флешка, ўн дона мп3, икки дона калонка, икки дона оддий калонка, икки дона “cola” номли калонка, икки дона “fanta” номли колонка яширин равишда олиб чиқиб, воқеа жойидан яширингани, А.М.Абдуқодиров жиноий шериклари билан қасддан содир этган Д.Д.Абдуллаевага 13.480.000 сўм миқдорда моддий зарар етказишгани, тергов ҳаракатлари давомида Ж.А.Азизовнинг хонадонидан бир дона “LG LED-22” русумли телевизори ашёвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик йўли билан моддий бойлик ортириш мақсадида, 2016 йил 31 январь куни соат 02:30 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида, аввалдан кузатувга олган, фуқаро Ахмедов Мурод Атхамовичга тегишли, Чиноз тумани Чиноз шаҳри Самарқанд кўчасида жойлашган “Чиноз Муроджон алоқа сервис” маиший техника дўконига Ж.А.Азизовнинг бошқарувидаги, “Нексия ДОНС-2” русумли давлат рақам белгиси 01 S 691 SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билишгани, шундан сўнг, Ж.А.Азизов жиноий шериклари билан ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга эшигини бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган ўн дона умумий баҳоси 9.400.000 сўмлик “Artel” русумли телевизор яширин равишда олиб чиқиб, воқеа жойидан яширинганлар.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров хавфли рецидивист бўла туриб, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, бошқа жиноятга тайёргарлик кўриш мақсадида, 2016 йил 04 февраль куни соат 23:00 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда автомобилотранспорт воситаларининг ва уларнинг тиркамаларининг давлат рақам белгиларини оғир оқибатларга сабаб бўлган, эгаллаб, нобуд қилиб, шикаст етказиб ва давлат рақамини яшириш мақсадида аввалдан кузатувга олган, фуқаро Махмудов Жасур Асқаралиевичга тегишли Ўртачирчиқ тумани Ўртасарой қ.ф.й Тошлоқ маҳаласи Оқ олтин кўчасида турган “Газ 5327А” русумли давлат рақам белгиси 10 P 446 СА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятда эгаллаб, воқеа жойидан яширинганлар.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик йўли билан моддий



бойлик ортириш мақсадида, 2016 йил 05 февраль куни соат 01:30 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида, аввалдан кузатувга олган, фуқаро Эракев Бахтиёр Убайдуллаевичга тегишли, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Фурқат кўчасда жойлашган «Арт Бизнес» МЧЖга қарашли маиший техника дўконига Ж.А.Азизовнинг бошқарувидаги, «ГБАСПГ Нексия ДОНС2» русумли, давлат рақам белгиси 01S691SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билишган. Шундан сўнг, Ж.А.Азизов жиний шериклари билан ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга эшигини бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган бир дона баҳоси 6.000.000 сўмлик «vitek» русумли иситгич плита, бир дона баҳоси 800.000 сўмлик “maxwell 1258” русумли мясорубка, бир дона баҳоси 800.000 сўмлик “roison” русумли микротўлқинли печь, бир дона баҳоси 900.000 сўмлик “vitek 1636” русумли соковжималка, бир дона баҳоси 800.000 сўмлик “vitek 1631” русумли соквижималка, бир дона баҳоси 750.000 сўмлик “vitek 1607” русумли соквижималка, бир дона баҳоси 250.000 сўмлик “vitek 1128” русумли тефаль, бир дона баҳоси 900.000 сўмлик “roison” русумли чангютгич, уч дона умумий баҳоси 900.000 сўмлик “vitek” русумли дазмол, бир дона баҳоси 250.000 сўмлик “mexwell” русумли дазмол, бир дона баҳоси 400.000 сўмлик “vitek” русумли миксер, бир дона баҳоси 750.000 сўмлик “vitek” русумли соквижималка, бир дона баҳоси 220.000 сўмлик “mexwell 2025” русумли фень, бир дона баҳоси 200.000 сўмлик “mex well 2002” русумли фень, бир дона баҳоси 4.800.000 сўмлик “roison 42” русумли телевизор, бир дона баҳоси 3.100.000 сўмлик “artel 42” русумли телевизор ва бир дона баҳоси 2.400.000 сўмлик “roison 32” русумли телевизорлар яширин равишда олиб чиқиб воқеа жойидан яширинганлар.

Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров ўзининг жиний ҳаракатларини давом эттириб, такроран, бошқа жиноятга тайёргарлик кўриш мақсадида, 2016 йил 08 февраль куни соат 01:00 ларда уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва қисми ажратилган шахслар билан биргаликда автотранспорт воситаларининг ва уларнинг тиркамаларининг давлат рақам белгиларини оғир оқибатларга сабаб бўлган, эгаллаб, нобуд қилиб, шикаст етказиб ва давлат рақамини яшириш мақсадида аввалдан кузатувга олган, фуқаро Дусматов Мурод Бахромовичга ишончнома орқали бириктирилган, Оққўрғон тумани Алимкент қўрғони Мустақиллик кўчаси 170-уйнинг олдида турган “Зил-130” русумли давлат рақам белгиси 10 J 391 ЕА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятда эгаллаб, воқеа жойидан яширинганлар.



Бундан ташқари, А.М.Абдуқодиров хавфли рецидивист бўла туриб, ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран ўғирлик йўли билан моддий бойлик ортириш мақсадида, 2016 йил 14 февраль куни соат 03:00да уюшган гуруҳ аъзолари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан биргаликда ўғирлик жиноятини содир этиш мақсадида, аввалдан кузатувга олган, фуқаро Зияев Умид Хасановичга тегишли Зангиота тумани Зангиота ҚФЙ А.Темур кўчаси 986-уйда жойлашган “Umid Credo” МЧЖга қарашли маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги, “Нексия ДОНС-2” русумли давлат рақам белгиси 01 S 691 SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билишгани, шундан сўнг, Ж.А.Азизов жиноий шериклари билан ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида мазкур дўконга эшикни бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган бир дона баҳоси 2.678.000 сўмлик “LG 32 LF 550” русумли телевизор, бир дона баҳоси 3.660.000 сўмлик “LG 42LF 550” русумли телевизор, бир дона баҳоси 4.000.000 сўмлик “roison 42 smart” русумли телевизор, бир дона баҳоси 6.000.000 сўмлик “samsung 48H5100” русумли телевизор, бир дона баҳоси 2.522.000 сўмлик “samsung 32J4000” русумли телевизор, икки дона умумий баҳоси 4.400.000 сўмлик “ROSSO 32D50TS” русумли телевизор ва бир дона баҳоси 3.800.000 сўмлик “LG43LF 550” русумли телевизорларини яширин равишда олиб чиқиб, воқеа жойидан яширинган, А.М.Абдуқодиров жиноий шериклари билан қасддан содир этган жиноий хатти-ҳаракатлари натижасида У.Зияевга жами 27.060.000 сўм миқдорда моддий зарар етказишган, тергов ҳаракатлари давомида Ж.А.Азизовдан бир дона “Roison 42 Smart” русумли телевизори ашёвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари А.М.Абдуқодиров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб 2016 йил март ойининг охирларида дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган “номаълум шахс” билан тил бириктириб бир гуруҳ бўлиб, давлат чегарасидан ноқонуний ҳаракатланиш мақсадида, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудидан ўтган “Ғишткўприк” аҳоли маскани яқинидан ўтган чегара пости яқинидаги чегарадан Ўзбекистон-Қозоғистон Республикалари давлат чегара сим тўсиқларидан қонунга хилоф равишда, 1999 йил 20 август куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ва “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ВМнинг қарори билан тартибга солинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган моддалар талабларини қасддан бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан айланма йўллар билан белгиланган тартибни бузиб ўтган.



Бундан ташқари А.М.Абдуқодиров ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, бир гуруҳ бўлган ҳолда, 2023 йил 15 январь куни дастлабки тергов ҳаракатлари давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган “номаълум шахс” билан тил бириктириб бир гуруҳ бўлиб, давлат чегарасидан ноқонуний ҳаракатланиш мақсадида, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудидан ўтган “Ғишткўприк” аҳоли маскани яқинидан ўтган чегара пости яқинидаги чегарадан айланма йўллар орқали Ўзбекистон-Қозоғистон Республикалари давлат чегара сим тўсиқларидан қонунга хилоф равишда, 1999 йил 20 август куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонуни ва “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси ВМнинг қарори билан тартибга солинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган моддалар талабларини қасдан бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасига белгиланган тартибни бузиб ўтган.

Судда судланувчи А.А айбига тўлиқ иқроп бўлиб, Ж.Азизов унинг синфдоши эканлигини, Ж.Кушматовлар билан моддий томондан қийналиб қолишгани сабабли, ўғрилик қилиш режаси пайдо бўлганлигини ва синфдоши Азизов Жаҳонгирга тегишли бўлган Нексия-2 русумли автомашинасида у, Жаҳонгирни таниши Жамшид айланиб юрганликларини ва аввалига ўғрилик жинояти содир қилишни режалаштиришгани, шундан кейин 2015 йил 11 декабрь куни тунда Янгийўл туманида жойлашган маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги “Нексия ДОНС 2” русумли, давлат рақам белгиси 01S691SA бўлган автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият бўлишини билиб, ўғирлаб чиқилиши кўзда тутилган мол-мулкни эгаллаш мақсадида дўконга эшикни бузиш орқали кириб, дўконда булган “Samsung” русумли плесос, бир дона “Comer2 русумли плесос, бир дона «Roison» русумли плесос, икки дона «Roison» русумли плесос, бир дона «Samsung 32» русумли телевизор, бир дона “artel 32” русумли телевизор, «artel 24» русумли телевизор, бир дона «roison» русумли печь, бир дона «Samsung» русумли микроволновий печни ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб ўғирлаб Жаҳонгирни автомашинасига ортиб воқеа жойидан кетиб яширингани, Тошкент шаҳрига келишгандан кейин Жаҳонгир билан Жамшид иккаласи ўғирланган нарса буюмларларни Тошкент шаҳри Бектемир туманига олиб бориб унга нотаниш бўлган шахсга сотиб келишгани ва пулларни ўртада тенг тақсимлаганликларини, шундан кейин режалари бир неча кундан кейин ўғирлик содир этиш аввалдан кузатувга олинган, Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Туйтепа шаҳридаги маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги “Нексия ДОНС-2” русумли автоуловда у, Жаҳонгир ва Жамшидлар бориб, дастлаб дўкон



атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини билганликларини, шундан сўнг, мазкур дўконга эшикни бузиш орқали ғайриқонуний равишда киришиб, дўконда бўлган “Roison 42” русумли телевизор, “Artel 32” русумли телевизор, “Roison” русумли плесос, «artel» русумли печни ўғирлаб Жахонгирни автомашинасига ортиб Тошкент шаҳрига қараб йўлга чиқиб Бектемир туманида ўзлари учун вақтинча ижарага олинган уйга боришгани, эртаси куни Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги унга нотаниш бўлган эркак кишига ўғирланган нарса буюмларни арзон нархларга сотиб юбориб, пулларни ўртада тенг тақсимлаб олишгани, шундан кейин 2015 йил декабр ойининг охирида кечаси шериклари Жахонгир ва Жамшидлар билан Тошкент шаҳридан Бўка туманига қараб боришни режалаштириб, Ж.Азизовнинг бошқарувидаги «Нексия ДОНС-2» русумли автоуловда бориб, маиший техника дўкони ёнига бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, ўғрилик содир этиш учун қулай вазият борлигини билиб, дўконга эшикни бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган «artel 28» русумли телевизор, «artel 32» русумли телевизор, «Samsung 40» русумли телевизор, «LG 32» русумли телевизор, «roison» русумли телевизор, «Samsung 22» телевизор, «uzdigital tv тюнери», HUAVERE HD» тюнерлари, икки дона DVD WADRAGON, RUINUO LG» русумли DVDлар, «Samsung» русумли микровол печ, «Samsung 5610» русумли плисос, LED KM 783C» русумли фанар, «microlab» русумли овоз буфери, «Bombox» русумли овоз буферларини ўғирлик йўли билан қўлга киритиб акфа ойнасини ҳам синдириб қўлга киритилган маиший техника воситаларини Жахонгирни автомашинасига ортиб ижарага олган Бектемир туманидаги дала ҳовли уйларига боришгани, эртаси куни Бектемир туманига бориб унга нотаниш бўлган шахсга сотиб юбориб, пулларни ўртада тақсимлаб олишгани, бундан ташқари, 2016 йил январ ойининг ўрталарида жиноий шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан Жахонгирни автомашинаси давлат рақамини ҳеч ким билиб қолмаслиги учун бирор бир автомашина давлат рақамини ўғирлаш режаси пайдо бўлиб, Зангиота туманига бориб кўчада турган “Газ 53” русумли давлат рақам белгиси 10Н452НА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ечиб олиб, ўғирланган давлат рақамини Жахонгирни автомашинасига фақатгина тунда ўғрилик содир қилиш учун чиққан вақтларида тақиб олишгани, бундан ташқари, 2016 йил январ ойининг ўрталарида жиноий шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан ўзаро олдиндан тил бириктириб, режа тузган ҳолда Тошкент вилояти Келес шаҳридаги «Roison» номли дўконига бориб ўғрилик содир этишни режалаштирганларидан сўнг Келес шаҳри «Roison» номли дўкон олдида келганларида ушбу дўкон олдида, дўкон қоровули учун бино борлигини кўриб, Жамшид қоровулни уриб-дўппослаётган пайтда, у ҳушидан кетиб қолган бўлгани, шундан кейин дўкон ичига катта



ойнасини катта тош олиб отиб синдиргани ва у ердан «Aser» русумли ноутбук, «Lenova» русумли ноутбук, «HP» русумли ноутбук, ҳар-хил турдаги телефон аппаратлари, планшет, «Дижитал» картасини қўлга киритиб ўғирланган нарса буюмларни Жаҳонгирни бошқарувидаги Нексия-2 русумли автомашинасига ортиб Бектемир туманидаги ижарага олган дала ҳовлига бориб, эртаси куни унга таниш бўлмаган шахсга бориб Жаҳонгир у билан гаплашиб ҳамма нарса буюмларни арзон нархларга сотиб пулларни ўртада тенг тақсимлаб олишгани, бундан ташқари, 2016 йил январ ойининг охирларида соат 01:00 дан 02:00 гача бўлган вақт оралиғида жиний шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан биргаликда ўғирлик жинияти содир этиш мақсадида, Жаҳонгирни автомашинасини давлат рақамини алмаштириб Бўка туманида жойлашган бекатда жойлашган маиший техника дўконига автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, ўғирлик содир этиш учун қулай вазият борлигини билиб, дўконга дераза ойнаси орқали кириб, дўконда бўлган «artel 32» русумли телевизор, «LG» русумли телевизор, «Samsung 32» русумли телевизор, «LG LED-22» русумли телевизор, «Samsung 19» русумли телевизор, «Samsung» русумли нутбук, ДВД, «Filips» русумли антенна, телефон аппаратлари, «NokiaC102» русумли телефон аппарати, 1 ГБ булган флешка, МП3 ускунаси ва бошқа нарсалар хозир аниқ эсида бўлмаган хаммасини Жаҳонгирни бошқарувидаги Нексия-2 русумли автомашинасига ортиб Тошкент шаҳрига келиб ижарага олган Бектемир туманидаги дала ҳовлига олиб келиб, эртаси куни ўғирланган нарса буюмларни унга нотаниш бўлган шахсга сотиб юбориб, пулларни шериклари билан тенг тақсимлаб бўлишиб олишгани, бундан ташқари, 2016 йилни охирларида жиний шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан биргаликда ўғирлик жиниятини содир этиш мақсадида, аввалдан кузатувга олинган, Тошкент тумани жойлашган маиший техника дўконига Ж.Азизовнинг бошқарувидаги, «Нексия ДОНС2» русумли автоуловда йўлга чиқишдан олдин давлат рақамини ўзгартириб етиб боргандан кейин дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиният содир этиш учун қулай вазият бўлишини кузатиб дўконга эшигини бузиш орқали ғайриқонуний равишда кириб, дўконда бўлган бир нечта «artel» русумли телевизорларни яширин равишда олиб чиқиб, Жаҳонгирни автомашинасига ортиб, ижарадаги уйларига бориб эртаси куни ўғирланган телевизорларни Бектемир туманига бориб унга нотаниш бўлган шахсга сотиб пулларни ўртада тенг бўлишиб олишгани, бундан ташқари, 2016 йил февраль ойининг бошларида жиний шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан биргаликда яна автомашина давлат рақамини ўғирлаш режаси келиб Ўртачирчиқ туманида кўчада турган «Газ 53» русумли юк автомашинасини аниқ рақами эсида бўлмаган, автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ечиб олиб, Ж.Азизовнинг автомашинасига ўрнатишгани, жиний шериклари



Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан аввалдан кузатувга олган, Оққўрғон тумани, маиший техника дўконига Ж.А.Азизовнинг бошқарувидаги, «Нексия-2» русумли, автоуловда бориб, дастлаб дўкон атрофини кўздан кечириб, жиноят содир этиш учун қулай вазият борлигини кузатиб, олдиндан тузилган режага кўра маиший техника воситаларини ўғирлаш учун дўкон эшигини бузиб дўкон ичиюга кириб, у ердан иситгич плита, мисоровка, «roison» русумли иситгич печь, плесос, «roison 42» русумли телевизор, «artel 42» русумли телевизор «roison 32» русумли телевизорлар олиб Жаҳонгирни автомашинасига ортиб Тошкент шаҳрига қайтиб кетишгани, эртаси куни ўғирланган нарсаларни Бектемир туманидаги унга нотаниш бўлган шахсга олиб бориб сотиб, пулларни тенг тақсимлаб бўлишиб олишгани, 2016 йил феврал ойида шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан биргаликда Оққўрғон туманига бориб “Зил-130” русумли автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини шериклари билан ўғирлаб воқеа жойидан қочиб, Тошкент шаҳрига қайтиб кетишгани, келгусида ўғрилиқ содир қилмоқчи бўлганларида Жаҳонгир автомашинаси тақиб олиш учун режа қилишгани, 2016 йил февраль ойининг ўрталарида шериклари Ж.А.Азизов ва Ж.Х.Кушматовлар билан биргаликда ўғирлик содир этишни режалаштириб Зангиота туманига Жаҳонгирга тегишли бўлган “Нексия-2” русумли автоуловда бориб, маиший техника сотиладиган дўкон атрофига бориб аввалига атрофни кузатиб мазкур дўкон эшигини бузиш орқали телевизор, «roison 42 smart» русумли телевизор, «samsung 48H5100» русумли телевизор, «samsung 32J4000» русумли телевизор ва бошқа нарсаларни аниқ эсида йўқ олиб чикиб Жаҳонгирни бошқарувидаги Нексия-2 русумли автомашинасига ортиб Тошкент шаҳрига қайтиб кетганликларини ва эртаси куни шериклари билан бирга Бектемир туманига олиб бориб сотиб юбориб, пулларни тенг тақсимлаб бўлишиб олишгани, шу пайтга қадар Қозоғистон давлатида ишлаб юргани, онасини кўриш учун Ўзбекистонга қайтиб келгани, қилган ишидан пушаймондалигини билдириб, суддан унга енгиллик беришни сўради.

Судда жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар **А.Д** Тошкент вилояти Бўка шаҳри “Навоий” кўчасидаги шоҳ бекатда жойлашган 10-сонли маиший техника дўконига савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишини, 2016 йил 25 январь куни соат 18:30ларда дўконда савдо қилиб бўлиб, эшикларини қулфлаб уйига кетганини, эртаси куни эрталаб соат 08:20ларда турмуш ўртоғи Абдуллаев Дилшод билан бирга дўконга келиб, эшик қулфини калит билан очганида, ичкаридаги маиший техника воситалари йўқлигини кўриб, дарҳол ИИБ ходимларига хабар қилганини, ИИБ ходимлари келиб тегишли хужжатларни расмийлаштирганларини, у дўконни кўздан кечириб, дўкондан икки дона баҳоси 2.900.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.000.000 сўмлик “Artel 24” русумли



телевизор, бир дона баҳоси 1.350.000 сўмлик “LG” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.350.000 сўмлик “Samsung 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “LG LED-22” русумли телевизор, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “Samsung 19” русумли телевизор, бир дона баҳоси 2.000.000 сўмлик “Samsung” русумли ноутбук, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “Телевизор ДВД”, икки дона жами баҳоси 100.000 сўмлик “Filips” русумли антенна, бир дона баҳоси 180.000 сўмлик “Samsung 5230” русумли телефон аппарати, бир дона баҳоси 160.000 сўмлик “Nokia C102” русумли телефон аппарати, бир дона баҳоси 350.000 сўмлик “Artel” русумли электропечь, бир дона баҳоси 400.000 сўмлик “Asel” русумли электропечь, 170.000 сўм нақд пуллар, умумий баҳоси 1.160.000 сўмлик беш дона 2 ГБ бўлган флешка, беш дона 1 ГБ бўлган флешка, икки дона 4 ГБ бўлган флешка, ўн дона “МП3”, икки дона блутузли колонка, икки дона оддий колонка, икки дона “Cola” номли колонка, икки дона “Fanta” номли колонка, яъни жами баҳоси 13.480.000 сўмлик товар-моддий бойликлари ўғирлаб кетилганлигини билганини, унга етказилган моддий зарардан бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “LG LED-22” русумли телевизор қайтарилганини, қолган 12.780.000 сўмлик моддий зарар қопланмаганини билдириб, судланувчи Ж.Азизовдан унга етказилган 12.780.000 сўмлик моддий зарарни ундириб, Ж.Азизовга қонуний жазо тайинлашни сўради.

Судда, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Хамидов Гиёс Рахимджанович, Дўсматов Мурот Бахромович, Зияев Умид Хасанович, Маматкулова Дилнура Сугтибаевна, Мамадалиев Ислонбек Масудович, Махмудов Жасур Аскарралиевич, Ахмедов Мурот Атхамовичлар сўроқ қилиш мақсадида дастлабки тергов органи ҳамда суд томонидан тегишли тартибда аниқланганда уларни топиш имкони бўлмагани сабабли уларнинг 2016 йил 7 ноябрдаги жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судида берган кўргазмалари ўқиб эшитиришни лозим топади.

Унга кўра жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар:

- Г.Хамидов ўзига тегишли бўлган “Газ 53Б” русумли давлат рақами 10 Н 452 НА бўлган автомашинани бошқариб юришини, ушбу юк автомашинаси ҳажми жиҳатдан катта бўлганлиги сабабли ҳар доим уйининг ташқарисида туришини, 2016 йил 17 январь куни юк машинасини уйи олдида, яъни Тошкент вилояти Зангиота тумани “Масалбой” ҚФЙ “Ойдин” кўчаси 8-уй олдида кўчанинг юзида қолдириб, ўз уйига кириб кетганини, 2016 йил 18 январь куни эрталаб соат 07:00 ларда кўчага чиқиб автомашинага қараганида, автомашинанинг олди ва орқа томонига тақилган 10 Н 452 НА бўлган давлат рақамлари йўқлигини кўриб, бу ҳақида зудлик билан Зангиота туман ИИБга мурожаат қилгани, ҳозирги кунда юк автомашинасига бошқа давлат рақами олгани, шу сабабли судланувчига қонуний жазо тайинлашни сўраган;



- М.Дўсमतов 2010 йилдан буён “Зил-130” русумли давлат рақами 10 J 391 EA бўлган юк автомашинасини ишончнома орқали бошқариб келишини, 2016 йил 7 февраль куни шахсий ишларини бажариб бўлиб, юк автомашинасини ўзи истиқомат қилиб келаётган Тошкент вилояти Оққўрғон тумани “Олимкент” кўрғони “Мустақиллик” кўчаси 170-уй олдига қўйиб, уйига кириб кетгани, эртаси куни, яъни 8 февраль куни соат 08:30ларда уйдан ташқарига чиқиб, автомашинани кўздан кечирган вақтида, автомашинани олди ва орқа томонидаги давлат рақам белгилари ўз жойида йўқлигини кўриб, бу давлат рақамлари номаълум шахс томонидан олиб кетганлигини билиб, шу куни ҳолат юзасидан туман ИИБга ариза билан мурожаат қилгани, ҳозирги кунда юк автомашинасига бошқа давлат рақами олгани, шу сабабли судланувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга қонуний жазо тайинлашни сўраган;

- У.Зияев 2015 йилдан буён Тошкент вилояти Зангиота тумани “Зангиота” ҚФЙ “А.Темур” кўчаси 98б-уйда жойлашган “Umid Credo” МЧЖга қарашли маиший техника дўконида кредитга маиший техника воситаларини сотиш билан шуғулланиб келишини, 2016 йил 14 февраль куни эрталаб соат 09:00ларда кассир Каримова Дилноза Каримходжаевна унга қўнғироқ қилиб, унга тегишли дўкон эшигининг қулфи бузиш йўли орқали очилиб, дўкон ичидаги телевизорлар йўқлиги ҳақида хабар бергани, у бу ҳақида дарҳол ИИБ ходимларига хабар бериб, дўконга келиб дўконни кўздан кечирганида, дўконда бўлган бир дона баҳоси 2.678.000 сўмлик “LG32LF 550” русумли телевизор, бир дона баҳоси 3.660.000 сўмлик “LG42LF 550” русумли телевизор, бир дона баҳоси 4.000.000 сўмлик “Roison 42 smart” русумли телевизор, бир дона баҳоси 6.000.000 сўмлик “Samsung 48H5100” русумли телевизор, бир дона баҳоси 2.522.000 сўмлик “Samsung 32J4000” русумли телевизор, икки дона умумий баҳоси 4.400.000 сўмлик “ROSSO32D50TS” русумли телевизор, бир дона баҳоси 3.800.000 сўмлик “LG43LF 550” русумли телевизор, яъни жами баҳоси 27.060.000 сўмлик товар-моддий бойликлари ўғирлаб кетилганлигини билгани, дўконга ўрнатилган видео кузатиш мосламасини текшириш жараёнида, 2016 йил 14 февраль куни тунги соат 03:00ларда дўкон олдига “Нексия” русумли автомашинаси келиб тўхтаганлиги ва ушбу автомашина олд ва орқа томонидан икки нафар шахслар тушиб унга тегишли бўлган дўкон эшигини бузиб, юз қисмларига қора ниқоб таққан ҳолда дўкон ичидан телевизорларни олиб чиқиб кетганлиги видео тасвирга ёзилганлиги аниқлангани, унга етказилган моддий зарардан бир дона баҳоси 4.000.000 сўмлик “Roison 42 smart” русумли телевизор қайтарилгани, қолган 23.780.000 сўмлик моддий зарар қопланмаганини билдириб, судланувчилардан унга етказилган 23.780.000 сўмлик моддий зарарни ундириб, судланувчига қонуний жазо тайинлашни сўраган;



-А.Халилов “Real Technosoft System” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлаб келишини ва Тошкент вилояти Зангиота тумани Келес шаҳри “К.Ғафуров” кўчаси, 93-уйда жойлашган “Roison” номли дўкон унга тегишли эканлигини, дўконда Турсунов Мирпўлат қоровуллик қилиб келишини, у 2016 йил 17 январь куни соат 18:30ларда савдо қиладиган дўконни ёпиб, эшикларни қулфлаб, “хавф чақирув” сигналларини ёқиб, дўконни қоровул М.Турсуновга топшириб кетгани, 2016 йил 18 январь куни соат 08:20ларда ишга келган вақтида, дўкони ойнаси синган ҳолатда бўлиб, ИИБ ходимлари шу ерда суриштирув ишларини олиб бораётганлигини кўргани ва ИИБ ходимларидан уч нафар номаълум шахслар шу ердаги қоровул М.Турсуновни уриб-дўппослаб, дўконини ойнасини синдириб, дўкондаги турли хилдаги маиший техника воситаларини ўғирлаб кетганликларини билгани, шунга асосан у дўконни текшириб кўрганида, дўконни икки дона жами баҳоси 1.000.000 сўмлик “Акфа” деразасини ойнасини синдирилиб, дўкондан баҳоси 2.050.000 сўмлик бир дона “Aser” русумли ноутбук, баҳоси 4.100.000 сўмлик икки дона “Lenova” русумли ноутбук, баҳоси 2.200.000 сўмлик бир дона “HP” русумли ноутбук, ҳар-хил турдаги 8 дона жами баҳоси 5.280.000 сўмлик телефон аппаратлари, бир дона баҳоси 1.400.000 сўмлик “ART Vision” номли планшет, бир дона баҳоси 36.000 сўмлик компьютер сичқончаси, бир дона баҳоси 300.000 сўмлик “Uz digitall” картаси ўғирлаб кетилганлигини билгани, ушбу ўғирлик натижасида унга жами 16.366.000 сўмлик моддий зарар етказгани, тергов жараёнида баҳоси 2.050.000 сўмлик “Lenova” русумли ноутбук ва бир дона нархи 1.400.000 сўмлик “ART Vision” номли планшет қайтарилгани, қолган 12.916.000 сўмлик моддий зарар қопланмаганини билдириб, унга етказилган моддий зарарни судланувчидан ундириб бериб, унга қонуний жазо тайинлашни сўраган;

-Д.Маматкулова 2015 йил 8 декабрь куни Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа шаҳри “Тошкент йўли” кўчаси 88-уйни олд томонидаги дўконни ижарага олиб, “Имкон Файз Люкс” МЧЖ очгани ва дўконига турли хилдаги маиший техника воситаларини олиб келиб қўйгани, 2015 йил 8 декабрь кунидан буён у дўкон ишлари билан банд бўлиб, 3-4 кун шу ерда юргани, 2015 йил 15 декабрь куни соат 08:30ларда уйда оила аъзолари билан бирга ўтирган вақтида тоғаси Сафаров Фахриддин унга қўнғироқ қилиб, кимдир унга тегишли дўконни қулфларини бузиб ўғирликка кирганлигини айтгани, шунга асосан у дўконга етиб бориб, олиб келган жиҳозларини текшириб чиққанида, дўконда бўлган бир дона баҳоси 3.000.000 сўмлик “Roison 42” русумли телевизор, бир дона баҳоси 3.700.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 900.000 сўмлик “Roison” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 510.000 сўмлик “Artel” русумли печь, яъни жами баҳоси 8.110.000 сўмлик товар-моддий бойликлари ўғирлаб кетилганлигини билгани, ҳозирги кунга қадар унга етказилган



моддий зарар қопланмаганлигини билдириб, унга етказилган моддий зарарни судланувчидан ундириб бериб, унга қонуний жазо тайинлашни сўраган;

- И.Мамадалиев бир неча йилдан буён Тошкент вилояти Бўка шаҳри “Ўзбекистон” кўчасида жойлашган “Давр” номли маиший-техника буюмлари дўконида тадбиркорлик билан шуғулланиб келишини, 2015 йил 26 декабрь куни савдо дўконида савдо ишларини тугатиб, эшикларни қулфлаб, уйига кетгани, 2015 йил 27 декабрь куни тонгда дўкондаги сотувчи “Абдушукур” унга қўнғироқ қилиб, дўкон эшиги очиқ ҳолатда эканлигини, ичкаридаги баъзи бир буюмлар ўғирлаб кетилганлигини маълум қилгани, шунга асосан у дарҳол дўконга етиб бориб, дўконни кўздан кечирганида, баҳоси 425.000 сўмлик “акфа” эшиги синдирилиб, дўконда бўлган бир дона баҳоси 1.300.000 сўмлик “Artel 28” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.500.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.800.000 сўмлик “Samsung 40” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.400.000 сўмлик “LG 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.600.000 “Roison 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 700.000 сўмлик “Samsung 22” телевизор, тўрт дона умумий баҳоси 1.400.000 сўмлик “Uzdigital tv тюнери”, ўн дона умумий баҳоси 900.000 сўмлик “HUAVERE HD” тюнерлари, икки дона умумий баҳоси 380.000 сўмлик “DVD WADRAGON, RUINUO LG” русумли DVDлар, бир дона баҳоси 280.000 сўмлик “Дух ASEL 33L”, бир дона баҳоси 320.000 сўмлик “Дух ASEL 38L”, бир дона баҳоси 230.000 сўмлик “ДухITIMAT35L”, бир дона баҳоси 310.000 сўмлик “Samsung” русумли микротўлқинли печь, бир дона баҳоси 380.000 сўмлик “Samsung 5610” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 350.000 сўмлик “Samsung 5640” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 340.000 сўмлик “Samsung 5630” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 85.000 сўмлик “LED KM 783C” русумли фонар, бир дона баҳоси 340.000 сўмлик “Microlab” русумли овоз буфери, бир дона баҳоси 325.000 сўмлик “Bombox” русумли овоз буфери, бир дона баҳоси 285.000 сўмлик “Bombox” русумли овоз буфери ўғирлаб кетилганлигини билгани, ушбу ўғирлик натижасида унга жами 15.000.000 сўмлик моддий зарар етказилгани, ҳозирги кунга қадар унга етказилган моддий зарар қопланмаганлигини билдириб, унга етказилган моддий зарарни судланувчидан ундириб бериб, унга қонуний жазо тайинлашни сўраган;

-Ж.Махмудов “Газ 5327А” русумли давлат рақами 10 Р 446 СА бўлган юк автомашинаси унга тегишли бўлиб, у ушбу юк автомашинасини 2013 йил баҳор ойидан буён бошқариб келишини, 2015 йил январь ойининг бошларида юк автомашинаси бузилиб қолганлиги сабабли у бу юк автомашинасини Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Ўртасарой” ҚФЙ “Тошлоқ” маҳалласи “Оқ Олтин” кўчасида йўл юзига қўйиб қўйгани, 2016 йил 5 февраль куни соат 08:30ларда отаси Махмудов Асқарали ишдан уйга қайтиб келаётиб,



уни автомашинасини олди ва орқа давлат рақамлари йўқлигини кўриб, унга бу ҳақида маълум қилгани, шундан сўнг у кўчага чиқиб ҳақиқатдан ҳам юк автомашинасини олди ва орқа томонидаги 10 P 446 СА бўлган давлат рақами йўқлигини кўриб, бу ҳақида ички ишлар ходимларига мурожаат қилгани, ҳозирги кунда юк автомашинасига бошқа давлат рақами олгани, шу сабабли судланувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, унга қонуний жазо тайинлашни сўраган;

- М.Ахмедов 2016 йил 31 январь куни эрталаб иш билан Тошкент шаҳрига кетгани, шу куни эрталаб соат 07:30ларда Тошкент вилояти Чиноз шаҳри “Самарқанд” кўчасида жойлашган “Чиноз Муротжон алоқа сервис” маиший техника дўконида ишловчи ишчиси “Сурайё” унга кўнғироқ қилиб, ушбу дўконни ойнали эшигини синдириб номаълум шахслар дўкон ичига кириб “Артел” русумли телевизорларни ўғирлаб кетганлиги ҳақида хабар бергани, дўкондан растага сотувга қўйилган жами 10 дона “Артел” русумли жами нархи 9.400.000 сўмлик телевизорлар номаълум шахслар томонидан ўғирланганлигини билгани, унга ушбу ўғирлик натижасида жами 9.400.000 сўм миқдорда моддий зарар етказилганлигини билдириб, судланувчидан етказилган моддий зарарни ундириб беришни ва унга қонуний жазо беришни сўраган;

- У.Эркаева “Арт Бизнес Сервис” МЧЖ га қарашли маиший техника дўкони раҳбари эканлигини, бу МЧЖга қарашли Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Самарқанд” кўчасида жойлашган маиший техника дўкони борлигини, ушбу дўкон маиший техника буюмларини кредитга бериш билан шуғулланишини, 2015 йил 11 декабрь куни соат 08:00ларда, турмуш ўртоғи “Бахтиёр”нинг телефонида ишчиси “Умида” кўнғироқ қилиб, дўконга ўғри тушганлигини айтгани, шунда у турмуш ўртоғи билан бирга дўконга борганида, дўкондан бир дона баҳоси 750.000 сўмлик “Samsung” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 850.000 сўмлик “Comer” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 850.000 сўмлик “Roison” русумли чангютгич, икки дона умумий баҳоси 1.700.000 сўмлик “Roison” русумли чангютгич, бир дона баҳоси 3.000.000 сўмлик “Samsung 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 2.300.000 сўмлик “Artel 32” русумли телевизор, бир дона баҳоси 1.800.000 сўмлик “Artel 24” русумли телевизор, бир дона баҳоси 750.000 сўмлик “Roison” русумли печь, бир дона баҳоси 900.000 сўмлик “Samsung” русумли микротўлқинли печь, яъни жами баҳоси 12.900.000 сўмлик товар-моддий бойликлари ўғирлаб кетилганини билдириб, унга етказилган зарарни ундириб беришни ва судланувчиларга қонуний чора кўришни сўраган;

- О.Тулаганов 2016 йил 4 февраль куни соат 12:00ларда ҳар доимгидек Тошкент вилояти Оққўрғон шаҳри “Фурқат” кўчасида жойлашган “Арт Бизнес” МЧЖга қарашли маиший техника дўконда шериги “Фарҳод” билан биргаликда дўкондаги нарсаларни



текширгани, соат 13:00ларда дўконни ички ва ташқи эшикларини ёпиб, қулфлаб кетгани, 2016 йил 5 февраль куни эрталаб яна ишга келиб қараганида, дўкон эшиклари очиқ, қулфлар бузилган ҳолда эканлигини кўриб, ИИБга мурожаат қилиб, сўнг дўкон раҳбари Эронаев Бахтиёр Убайдуллаевичга хабар бергани, дўкондан бир иситгич плита, гўшт майдалагич, сок сиқиш мосламалари, тефаль чойнак, чангютгич, дазмоллар, фенлар ва телевизорлар ўғирлаб кетилгани, суддан унга етказилган моддий зарарни ундириб, судланувчиларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган;

Судда жабрланувчи **Т.М** ВКС орқали сўроқ қилиниб, 2011 йилдан шу кунгача “Real Technosoft System” МЧЖга қарашли Тошкент вилояти Зангиота тумани Келес шаҳри “К.Ғафуров” кўчаси 93-уйда жойлашган икки қаватли савдо мажмуасида қоровул бўлиб ишлагани, орадан кўп вақт ўтгани сабабли кўп нарсалар эсидан чиқиб кетгани, ҳозирда ёши 70 ошгани, 2016 йил 17 январь куни ҳар доимгидек соат 18:30 ларда савдо мажмуасига қоровулликка келгани ва қоровул хонасига кириб, атрофни назорат қилиб ўтиргани, шу куни соат 01:00да қоровулхона рўпарасидаги катта йўл бўйидаги арча ёнига “Нексия” русумли автомашина келиб тўхтагани, машинадан нотаниш бир йигит тушиб, ўша атрофда айланиб юргани, улар унга шубҳали кўринганлигини, у қоровулхонадан чиқиб, савдо мажмуаси ҳудудини айлангани ва қоровулхонага қайтиб келгани, шу вақт арча олдида турган “Нексия” автомашинаси қоровулхонани олдига келиб тўхтагани, ичида икки киши, яъни ҳайдовчи ва уни ёнида олд ўриндиқда капишонли йигит ўтиргани, улар қоровулхонадан 3 метр узоқроқда тўхтаб, машинадан тушмай ўтиргани, у улардан шубҳаланиб, ёнига боргани, ҳайдовчига машинани бу ердан олишни, камера ўрнатилгани ва ҳозир милиция келишини айтгани, улар бироз кўча томонга ҳайдаб машинани олди қисмини кўча томонга қаратиб тўхтатишгани, 5-10 дақиқа тургач, машинадаги йўловчи йигит тушиб, уни қоровулхонаси олдига келгани, у уни кўриб, эшикни очиб ташқарига бир қадам қўйгани, у йигит ундан “машинани қаерга қўйсак бўлади, ҳозир бир жойга бориб келамиз, қараб туринг” деб айтгани, у шунда кўзга яқинроқ жойга қўйишни айтиб қўли билан кўрсатмоқчи бўлганида, капишонли йигит бирдан ўнг қўли билан уни юзини ўнг томонига зарб билан ургани, уни қўлида қандайдир бир жисм бўлса керак деб ўйлашини, зарба жуда қаттиқ теккани, у зарбдан ерга йиқилгани, бу шахс уни тепа бошлагани, у калтак зарбидан ҳушини йўқотгани ва атрофда кейинчалик қандай воқеалар бўлганлигини билмай қолгани, ҳушига келганида, бир нечта қоровуллар бирлашиб уни қоровулхонага кўтариб олиб киришгани, кейин милиция ва тез тиббий ёрдамга хабар қилишгани, ИИБ ходимлари билан шифокорлар кетма-кет етиб келишгани, кейинчалик маълум бўлишича у ҳушини йўқотиб ерда ётган пайтида, уни урган номаълум шахс аввал сигнализацияни ўчириб, сўнгра “Roison” дўкони катта ойнасини синдириб, ичкарига



кириб, у ердан ноутбук, телефон аппаратлари ва бошқа техника воситаларини эгаллаб, автомашинада номаълум томонга яширинганликларини билганини, ўша пайтда уларни юзларини кўрмагани, ҳозир кўрса ҳам уларни танимаслигини, уларга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида кўргазма берди.

Судда гувоҳ **А.Ж** ушбу иш бўйича судланувчи бўлиб, суд томонидан унга 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони манзил колониясига ўтаб келаётгани, 2015 йил куз ойларида Бектемир туманида яшовчи Х.Мирсабитовга тегишли “Нексия” русумли давлат рақами 01 S 691 SA бўлган автомашинани ҳар ой 300 АҚШ долларидан ижара пули тўлаб юриш шарти билан ижарага олиб, ҳайдаб юрганини, сўнгра пул керак бўлиб қолганлиги учун 2015 йил куз ойларида Олмалиқ шаҳрига УЯ-64/57-сонли манзил колониясида қолиб кетган ойлик маошини олиш учун борган вақтида, у билан жазо муддатини ўтаган Ангрэн шаҳрида яшовчи Кушматов Жамшид Хусанович билан кўришиб қолганини, улар унинг автомашинасида Жиззах вилоятига улар билан жазони ўтаган танишларини кўриш учун борганларини ва уларни кўриб қайтганларини, сўнгра у Ж.Кушматов билан телефон орқали гаплашиб тургани, 2015 йил ноябрь ойининг охирларида синфдоши А.А унга телефон қилиб, Тошкент шаҳрига келаётганини ва самолётга билет олиб Россия Федерациясига ишлаш учун кетмоқчи эканлигини айтганини, А.А Тошкент шаҳрига келганидан сўнг у уни Тошкент аэропортига олиб борганини, лекин А.А Россия Федерациясидан депорт бўлганлиги сабабли унга билет беришмаганини, шунда А.А ундан иш топиб беришни сўрагани, у эса А.А Ангрэн шаҳрида автомобилларни таъмирлаш билан шуғулланувчи таниши Ж.Кушматовнинг олдида олиб боргани ва А.Абдуқордиров у ерда ишлаб, Ангрэн шаҳридаги деҳқон бозорини ёнида жойлашган кўп қаватли уйнинг бирида ижарада яшагани, у А.А бир куни кафеда ўтирган вақтида А.А унга қандай бўлмасин пул топиш кераклигини айтиб, у билан Ж.Кушматовга маиший техника дўконларига ўғирликка тушиб, у ердаги маиший техника буюмларини сотиб яхши пул қилиш мумкинлигини таклиф қилгани, шунда улар А.Адан қаерда бундай маиший техника дўконлар борлиги ҳақида сўраганида, А.А ўзини телефонида навигаторини ёқиб, карта орқали жой номларини кўрганини ва шунга асосан улар 2015 йил декабрь ойининг 10 саналарида Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Самарқанд” кўчасида жойлашган “Ҳамкор банк”нинг ёнидаги “Маиший техника” буюмлари дўконини кўриб, ушбу дўконга ўғирликка тушиш ҳақида келишиб олганларини, у ушбу дўкон атрофига машинани тўхтатиб, дўконда ўғирлик қилиш режасини тузганларини, режага кўра у дўкон олдида машинада кутиб туриши, А.А ва Ж.Кушматовлар эса дўкон ичига кириб, нарсаларни олиб чиқиб кетадиган бўлганларини, шу куни соат 01:00ларда кўчада ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган ҳолда улар дўкон



олдига борганларини, А.А ва Ж.Кушматовлар машинадан тушиб, дўкон ичига кириб кетганларини, у эса автомашинани орқа томони билан турган ҳолда багажни очиб уларни кутиб турганини, А.А ва Ж.Кушматовлар дўкондан тахминан 5 дақиқа ичида нарсаларни олиб, уни машинасига юклаганларини ва ҳаммалари уни автомашинасида Тошкент шаҳрига кетишганини, дўкондан 3 дона телевизор, 4 дона чангютгич, 2 дона печни уни уйига олиб борганларини, у бу нарсаларни бир қисмини Тошкент шаҳридаги Янгиобод бозорида сотувчилик килувчи Ильхамов Обиджон Зоировичга, қолган қисмини “Сайид” исмли болага сотганини, О.Ильхамов ва “Сайид”ларга ушбу нарсаларни божхонадан мусодара қилинганини, ўғирланмаганлигини айтиб сотганини, бундан ташқари 2015 йил 14 декабрь куни уйда оила билан ўтирган вақтида, соат 13:30ларда телефонига таниши Ж.Кушматов кўнғироқ қилиб, “кўришиб гаплашиб олайлик, иш бор, Абдулхай билан бирга бораман” деб айтганини ва улар Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа шаҳри марказида кўришадиган бўлганларини, у ерга ўз бошқарувидаги “Нексия” русумли давлат рақами 01S 691 SA бўлган автомашинада борганини, бу ерда А.А ва Ж.Кушматовлар унга ўғирлик қилиш режасини айтганларини, у рози бўлгач улар Тўйтепа шаҳрини машинада бироз вақт айланиб, ўғирлик қилишга қулай дўкон қидириб юрганларини ва йўлни юзида жойлашган дўконни танлашганини, улар кеч бўлишини кутиб ўтириб, 2015 йил 15 декабрь кунига ўтар кечаси соат 01:30ларда йўл юзидаги ҳамма дўконлар ёпилиб, кўчада одамлар қолмаганида, у автомашинани дўкон олдига бошқариб борганини, Ж.Кушматов у автомашинасида яшириб қўйган арматурани олиб, дўкон қулфини бузганини, бироздан сўнг А.А ва Ж.Кушматовлар 1 дона “Ройсон” ва 1 дона “Артел” номли телевизорларни олиб чиқиб, автомашина салонига қўйишганини, кейин эса 1 дона чангютгич ва “Артел” печини олиб чиқиб, автомашинани багажига солишганлигини ва у ердан кетиб, Бектемир туманидаги ижарадаги уйига борганларини, сўнгра шериклари билан кун ёришишини кутганларини ва Ўртачирчиқ тумани “Қумовул” ҚФЙ 5-биригада яшовчи таниши О.Ильхамовнинг уйига дўкондан ўғирланган нарсаларни олиб борганларини, телевизор ва чангютгични О.Ильхамов 900.000 сўмга сотиб олганини, қолган бир дона телевизор билан печни Ж.Кушматов унга нотаниш танишига сотиб юборганини ва улар 200.000 сўмдан бўлишиб олганларини, у бу пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, бундан ташқари, 2015 йил декабрь ойининг 26-27 кунлари у танишлари А.А ва Ж.Кушматовлар билан бирга уни машинасида Тошкент вилояти Бўка туманига бориб суд биносига яқин жойдаги “Давр” номли маиший-техника буюмлари дўкони ёпилишини кутиб, автомашинада ўтирганларини, соат 00:30ларда кўчада ҳеч ким кўринмаганидан кейин дўкондаги буюмларни ўғирлаш мақсадида режа тузганларини, режа кўра у автомашинадан тушмасдан, уни ўчирмай, кетишга шай



ҳолатда турганини, А.А ва Ж.Кушматов дўкон қулфини бузиб, ичкарига кириб кетганини, улар дўкондан 7 дона телевизор, 4 дона ДТВ тюнер, 10 дона тюнер, бир нечта карнай, бир нечта ДВД, электр духовка, 3 дона чангютгич ва бошқа маиший-техника буюмларини ўғирлаб чиққанларини, кейин эса автомашинага ўтириб кетганларини, бу вақтда атрофда ҳеч ким бўлмаганини, бу буюмларни ярмини О.Ильхамовга сотганларини, қолган буюмларни Ж.Кушматов “Қўйлиқ” бозорига олиб бориб, танишига сотиб келганини ва уччаласи пулларни бўлишиб олганларини, у барча пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, бундан ташқари у 2016 йил 17 январь куни соат 16:30ларда Бектемир туманида жойлашган уйдан А.А ва Ж.Кушматов билан биргаликда уни машинасида Зангиота тумани Келес шаҳрида жойлашган “Ройсон” номли маиший техника дўконига ўғрилиққа кириш учун кузатгани борганини, у ерга бориб, дўконни ва ён-атрофини кузатиб, дўкон ҳали очиклигини ён-атрофда одамлар гавжумлигини кўриб, қоронғу тушишини кутганларини, шу вақтда улар машинани қоровул билиб қолмаслиги учун давлат рақамини алмаштиришга келишганларини ва соат 24:00 ларда машинада дўконга яқин жойдаги маҳаллага кириб, қаровсиз қолдирилган “Газ 53” юк машинасини кўриб, ён атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб юк машинасини олди ва орқа давлат рақамларини ўғирлаб олиб, уни автомашинасига тақиб, сўнгра “Ройсон” номли маиший техника дўкони олдига бориб, машинани йўлнинг юзига арча дарахтини тагига тўхтатганини, бу ерда Ж.Кушматов машинадан тушиб, дўкон атрофини кузатиб келганини ва дўкон ёнида жойлашган қоровулхонада ёши тахминан 55-60 ёшлардаги бир кекса киши борлигини, у ҳали ухламаганлигини айтганини, у киши уларни кўриб, қоровулхонадан чиқиб, яна қайтиб кириб кетганини, у машинани орқага ҳайдаб, қоровулхонани олдига тўхтаганида, қоровул чиқиб уларга қараб бу ерга камера ўрнатилганини, милиция ходимлари келиб текширишлари мумкинлигини айтганини, Ж.Кушметов тушиб “машинани шу жойга стоянкага қўйиб турсак бўладими” деб, қоровулга яқинлашиб, қоровулга бир мушт туширганини, сўнгра А.А машинадан тушиб дўкон томонга юрганини, Ж.Кушметов эса қоровулхонага кириб сигнализациясини ўчирганини, бу вақтда А.А қўлига тош олиб, дўкон ойнасига отиб дўкон ойнасини синдириб, оёғи билан ойнани синган жойига тепиб тешикни кенгайтирганини, А.А дўкондан сумкада ноутбук ва телефон аппаратларини солиб олиб чиққанини, Ж.Кушметов эса қоровулга қараб турганини, сўнгра уларни иккаласи машинага кетма-кет ўтиришганини ва улар “Қўйлиқ” мавзеси 1-даҳасига борганларини, бу ерда ўғирланган нарсаларни кўрганларида, “Ройсон” номли дўкондан 4 дона ноутбук, бир дона планшет, бир нечта телефонлар, бир дона тюнер олиб чиқилган бўлганини, сўнгра улар машинани давлат рақамини ечиб ўзини давлат рақамини тақиб, “Газ 53” юк машинасини давлат рақамини буклаб



йўлда Чирчиқ дарёсига отиб юборганини, эртаси куни ноутбукларни биттасини 300.000 сўмга ва 4 дона телефонларни О.Ильхамовга сотиб пулларни 100.000 сўмдан бўлишиб, қолган пулларни машинага солиб қўйганларини, қолган учта ноутбукни эса биттадан бўлишиб олганлари ва у планшетни ҳам олишини айтиб, ўзига олганини. бир дона телевизорга қўядиган тюнер синиб қолганлиги учун уни йўлда отиб юборганларини, у пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, кейинчалик у “Ройсон” номли дўкондан ўғирлаб чиққан бир дона ноутбук ва бир дона планшетни ИИБ ходимлари олиб кетганларини, бундан ташқари 2016 йил январь ойининг 25-26-кунлари у Ж.Кушметов ва А.А билан бирга Тошкент вилояти Бўка шаҳрига ўз бошқарувидаги автомашинада борганларини, бу ерда Бўка шаҳридаги бозор ичидаги маиший-техника буюмлари дўкони атрофида дўкон ёпилишини кутиб, соат 01:30ларда атрофда ҳеч ким қолмаганидан сўнг, ушбу дўкондаги буюмларни ўғирлаш мақсадида у машинада кетишга шай ҳолатда турганини, шериклари эса ойнани очиб, дўкон ичига кириб кетганларини ва бироздан сўнг маиший техника буюмларини у турган жойгача кўтариб келишганини, улар дўкондан 7 дона телевизор, 2 дона электр духовка, 1 дона ноутбук, 1 дона ДВД ва бошқа маиший-техника буюмларини олганларини, тонг отиши билан ўғирланган буюмларни ярмини тонг отиши билан О.Ильхамовга сотиб, пулларини бўлишиб олганларини, қолган қисмини Ж.Кушметовнинг танишига сотиб юборганларини, бу пулларни ҳам бўлишиб олганларини, шунингдек 2016 йил январь ойининг охирларида у А.А ва Ж.Кушметовлар билан навбатдаги ўғирликни содир этиш мақсадида ўз бошқарувидаги машинада Тошкент вилояти Чиноз туманига боришганини, бу ерда бозор олдидаги йўл чеккасида жойлашган қатор дўконлар олдида бориб тўхтаганини, А.А ва Ж.Кушметовлар йўл бўйидаги маиший техника дўкони ичига кириб ўғирликни режалаштириб автомашинага қайтиб келганларини, соат 24:00ларда кўчада ҳеч ким қолмаганидан сўнг А.А ва Ж.Кушметовлар қўлида темир билан дўкон эшиги ойнасини бир табақасини синдирганларини, кейинчалик эса дўкон ичидан “Артел” русумли телевизорларни олиб чиқа бошлаганларини, улар 10 дона “Артел” русумли телевизорларни автомашина салони орқасига ва юк хонасига жойлаштирганларидан сўнг, ҳамма автомашинага ўтириб Янгийўл тумани орқали Тошкент шаҳри Бектемир туманига келганларини, ўғирланган телевизорлардан 5 донасини О.Ильхамовга сотганларини, пулларни у А.А ва Ж.Кушметовлар 900.000 сўмдан бўлишиб олганларини, 5 дона “Артел” русумли телевизорларни эса “Қўйлик” мавзеси 1-даҳадаги Ж.Кушметовнинг танишига сотиб юбориб, бу пулларни ҳам 900.000 сўмдан бўлишиб олганларини, шунингдек 2016 йил 4 февраль куни у таниши Ж.Кушметов ва А.Алар билан “Қўйлик” бозори олдида учрашиб, Олмалиқ шаҳри йўли бўйлаб ҳаракатланиб, “Ўртасарой” маҳалласига кирганларини, у ерда



Ж.Кушметов йўлни юзида турган “Зил” автомашинасини кўрсатиб, ушбу автомашинани давлат рақамини ечиб олишини айтганини, сўнгра А.А билан машинадан тушиб ушбу юк машинасини давлат рақамини ечиб келганларидан сўнг у ердан кетганларини, у ушбу юк машинасини давлат рақамини эртаси куни ўғирлик учун ўз автомашинасига тақиб борганини, у А.А ва Ж.Кушметовлар билан учрашиб, Оққўрғон туманига бориб, соат 01:00 ларда Оққўрғон марказига яқин бўлган жойдаги автомашиналарга газ ёқилғиси қўйиш шохобчаси ёнига борганларини, А.А ва Ж.Кушметовлар машинадан тушиб шу ердаги бир дўконга кириб кетганларини ва бироздан сўнг дўкондан телевизорлар, электрон печкалар, чангютгичлар ва бошқа кичик ҳажмли маиший техника воситаларини ўғирлаб олиб чиқиб уни бошқарувидаги автомашинага ортганларини, улар ўғирланган мулкларни ижарадаги уйга олиб келиб, ярмини Бектемир туманида яшовчи О.Ильхамовга, қолганини эса “Қўйлиқ” 1-мавзесида яшовчи Ж.Кушметовнинг танишига сотганларини, ўғирланган насаларни нархини доим Ж.Кушметов келишганини ва сотганини, пулларни эса тенг бўлишганларини, шунингдек 2016 йил февраль ойини бошларида соат 01:00лар атрофида Оққўрғон туманига бориб кейинчалик билишча “Олимкент” кўрғонидан ўтиб кетаётган вақтларида, улар қаровсиз қолдирилган “Зил” русумли автомашинани кўрганларини, Ж.Кушметов ва А.Алар машинадан тушиб ушбу юк машинасининг давлат рақамларини ечиб келганларини ва уни автомашинасига ушбу 01 J 391 EA бўлган давлат рақамини тақи, ўғирлик қилмоқчи бўлганларини, аммо ўғирлик қилиш учун қулай жой топа олмай, кейинчалик у бу давлат рақамини ҳам Чирчиқ дарёсига отиб юборганини, бундан ташқари, 2016 йил февраль ойини ўрталарида улар Зангиота туманида жойлашган “Зангибува” зиёратгоҳи олдида бориб, йўл юзида жойлашган маиший техник дўконини кўриб қолганларини, шундан сўнг Ж.Кушметов ва А.Алар дўконга кириб кетиб, у ердан маиший техника воситаларини, яъни саккиз дона телевизор олиб чиқиб машинани салон қисмига ва орқа юкхонасига юклаб, уни уйига олиб келганларини, ушбу нарсаларни ярмини О.Ильхамовга, қолгани қисмини эса Ж.Кушметовнинг танишига сотиб юбориб, пулларни тенг бўлиб олганларини, улар дўкон эшигини бузиб очишда фойдаланилган темир бўлаги Ж.Кушметовнинг Ангрен шаҳридаги уйида қолганини, шахсан ўзи ҳеч бир қайси ўғирликка кирмаганини, у фақатгина ҳайдовчилик қилганини, ўғирликларни А.А ва Ж.Кушметовлар содир қилганларини, у эса ташқарида ўз автомашинасида уларни кутиб ўтиргани, О.Ильхамовни мулклар ўғирланганлигидан хабари бўлмагани ҳақида кўрсатув берди.

Судда гувоҳ **И.О** 2015 йилдан бери Тошкент шаҳри Янгиобод бозорида маиший техникалар савдоси билан шуғулланишини, 2015 йил декабрь ойида унга олдиндан таниш бўлган Ж.Кушметов ўзининг икки нафар танишлари Ж.Азизов ва А.Алар билан келиб, уларни



божхонада ишлашни, божхонада ушлаб қолинган маиший техникаларни олиб келишганлигини айтгани, шунда товарлари кўриб қабул қилиб олгани, улардан олган маиший техника воситаларини танишлари Ақтам ва Рустам исмли шахсларга сотиб юборгани, ушбу техникаларни ўғирланган бўлганидан хабари йўқлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд ҳайъати, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи А.Анинг мазкур жиноятлар бўйича айбига тўлиқ иқроор бўлсада шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчиларнинг аризаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадваллар, кўрсатувларни воқеа содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, шахсни таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва фотожадваллар, юзлаштириш баённомалари, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадвал, далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома, буюмни таниб олиш учун кўрсатиш ҳақидаги баённома, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги баённома, тушунтириш хатлари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Анинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб қуйидаги тўхтамга келади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари” бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 37-сонли қарорининг 5-бандида “Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмига биноан уюшган гуруҳ деб икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши тушунилади. Жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олиш лозим. Ҳукмда жиноий гуруҳ айнан қайси мезонлар бўйича уюшган гуруҳ деб топилганлиги акс эттирилиши лозим”лиги назарда тутилган.



Суд мажлисида аниқланган ҳолатлар ҳамда жиноят иши ҳужжатларига кўра А.А дастлабки тергов жараёнида жиноят ишининг бир қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахс ҳамда ЖИБ Учтепа туман судининг ҳукми билан айбли деб топилган, Ж.Азизовлар билан жиноий фаолият олиб бориш учун бир гуруҳга бирлашиб, уюшган гуруҳ аъзоси сифатида, ушбу шахслар билан жиноят содир этиш учун аввалдан жиноий режа тузиб, унга кўра дастлаб ўғирлик ва босқинчилик жиноятларини содир этиш учун хонадонларни ҳамда автотранспорт воситаларини давлат рақамларини эгаллашда қулай жойларни кузатиб сўнг жиноий қилмишларини содир этганлар. Жиноят содир қилинган барча эпизодларда гуруҳнинг барча иштирокчилари муқим иштирок этганлиги мазкур гуруҳ барқарор бўлганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 29-моддасининг 4-қисмида “Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади” деб кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 30 апрелдаги “Ўзгалар мулкани ўғирлик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 2-бандида “Ўзганинг мулкани яширин равишда талон-торож қилиш билан бошланган, лекин жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан сезиб қолинганига қарамасдан айбдор томонидан мулкка эгалик қилиш мақсадида уларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб қилинган ҳаракатлар талончилик деб, ҳужум қилиб ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатганда ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганда эса босқинчилик деб тавсифланади” деб;

-шу қарорни 5-бандида “Ўзгалар мулкани талончилик ва ўғрилиқ билан эгаллаган ва айбдор бу мулкдан ўз хоҳишича фойдаланиш ёки уни ишлатиш имкониятига эга бўлган вақтдан бошлаб, босқинчилик эса жабрланувчининг ҳаёт ва соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб ҳужум бошланган вақтдан бошлаб, тугалланган ҳисобланади” деб;

-6-бандида “Ҳаёт учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда унинг ишлатилиши жабрланувчининг ҳаёти учун аниқ бўлган хавfli вужудга келтирувчи ҳолат (масалан, жабрланувчини бўғиш, бошини сув остида ушлаб туриш ва ҳоказо) тушунилади. Соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш деганда, жабрланувчига соғлигининг бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказиш ёки шундай тан жароҳатини етказиш хавfliни туғдирувчи ҳаракатлар (чаккага, қуёш ўрилмасига уриш ва б.қ.) тушунилади. Қонун мазмунига кўра босқинчиликда зўрлик ҳам жисмоний, ҳам руҳий бўлиши мумкин” деб;



-9-бандида “Ғайриқонуний кириш деганда ўғирлик, талончилик ва босқинчилик қилиш мақсадида уй-жойга, омборхона ёки бошқа бинога кириш тушунилади” деб раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб, А.Анинг жиноий ҳаракатлари:

-2015 йил 11 декабрь куни фуқаро Эрқаева Умида Тулкиновнанинг 12.900.000 сўмлик мулкани ўғирлаганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2015 йил 15 декабрь куни фуқаро Маматкулова Дилнура Сугтибаевнанинг 8.110.000 сўмлик мулкани ўғирлаганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2015 йил 27 декабрь куни фуқаро Мамадалиев Ислонбек Масудовичнинг мулкани ўғирлаб, 15.000.000 сўмлик моддий зарар етказганлиги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 26 январь куни фуқаро Абдуллаева Дилдора Дилмуротовнанинг 13.480.000 сўмлик мулкани ўғирлаганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 31 январь куни фуқаро Ахмедов Мурот Атхамовичнинг 9.400.000 сўмлик мулкани ўғирлаганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 5 февраль куни фуқаро Эронаев Бахтиёр Убайдуллаевичнинг 24.240.000 сўмлик мулкани ўғирлаганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда,



омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 14 февраль куни фуқаро Зияев Умид Хасановичнинг 27.060.000 сўмлик мулкани ўғирлаганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб, хавфли рецидивист бўла туриб, такроран, уюшган гуруҳ томонидан талон-торож қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 18 январь куни фуқаро Турсунов Мирпўлатга нисбатан ҳужум қилиб, ҳаёт ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, “ўртача оғир” тан жароҳати етказиб, фуқаро Халилов Алишер Ахмаджоновичга тегишли дўконга ғайриқонуний равишда кириб, 15.366.000 сўмлик мулкларни қўлга киритганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “в” банди, “босқинчилик, яъни ўзганинг мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида, омборхона ёки бошқа биноларга ғайриқонуний равишда кириб, уюшган гуруҳ томонидан, ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 18 январь куни фуқаро Хамидов Гиёс Рахимджановичга тегишли “Газ 53Б” русумли давлат рақами 10 Н 452 НА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятда эгаллаб, нобуд қилганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “б” банди, “Ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда, оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда автотототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, шунингдек уларни нобуд қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 4 февраль куни фуқаро Махмудов Жасур Аскаралиевичга тегишли “Газ 5327А” русумли давлат рақами 10 Р 446 СА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятда эгаллаб, нобуд қилганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “б” банди, “Ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда, оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда автотототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, шунингдек уларни нобуд қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-2016 йил 8 февраль куни фуқаро Дўсматов Мурот Бахромовичга ишончнома орқали бириктирилган “Зил-130” русумли давлат рақами 10 J 391 ЕА бўлган автомашинани олди ва орқа давлат рақамларини ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятда эгаллаб, нобуд қилганлик ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “б” банди, “Ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда, оғир оқибатларга сабаб



бўлган ҳолда автототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, шунингдек уларни нобуд қилиш”да ифодаланган жиноят аломатлари билан;

-А.Анинг ҳаракатлари бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, “белгиланган тартибни бузиб Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтиш” жиноий аломатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ҳамда “такроран, белгиланган тартибни бузиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан ўтиш” жиноий аломатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳайъати, судланувчи А.Ага нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги назарда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб суд ҳайъати, судланувчи А.Ага нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда, уни ўз айбига қисман



икрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни ғаразли ва бошқа паст ниятларда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддаси, яъни инсонпарварлик принципи ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддаси, яъни одиллик принципига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга судланувчининг муқаддам судланмагани, оилавий шароити оғирлигини, қарамоғида ёлғиз онаси борлигини, қилган ишидан пушаймондалигини, ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларда уюшган гуруҳ таркибида жиноят содир этгани шунингдек бошқа ҳолатларни, яъни жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасини, инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони йўқ деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан ЖК 57-моддаси қўллаб, санкцияда белгиланган жазодан камроқ муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд ҳайъати, судланувчининг ҳаракатлари оқибатида жабрланувчиларга етказилган моддий зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ашъвий далил тариқасида олинган А.Халиловга тегишли бир дона “Lenova” русумли ноутбук, бир дона “ART Vision” номли планшет, Д.Абдуллаевага тегишли “LG LED-22” русумли телевизор, У.Зияевга тегишли “Roison 42 smart” русумли телевизорлар ўз эгаларига қайтарилганлиги инobatга олишни ҳамда судланувчи А.А ва Ж.Азизовлардан жабрланувчи У.Эркаева фойдасига 12.900.000 сўм, жабрланувчи Д.Маматкулова фойдасига 8.110.000 сўм, жабрланувчи И.Мамадалиев фойдасига 15.000.000 сўм, жабрланувчи А.Халилов фойдасига 11.916.000 сўм, жабрланувчи Д.Абдуллаева фойдасига 12.780.000 сўм, жабрланувчи М.Ахмедов фойдасига 9.400.000 сўм, жабрланувчи Б.Эронаев фойдасига 24.240.000 сўм ва жабрланувчи У.Зияев фойдасига 23.060.000 сўм ундиришни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд ҳайъати

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

А.А Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “в” банди, 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди ва 227-моддаси 2-



қисмининг “б” банди ва 223-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 164-моддаси 4-қисмининг “в” банди билан ЖК 57-моддаси қўллаб, 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “в” банди билан 9 (тўққиз) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 227-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 1 (бир) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари билан 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида А.Ага жиноятлар мажмуи тариқасида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 10 (ўн) йил 1 (бир) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 18 январдан бошлаб ҳисоблансин.

А.Ага нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчи Эркаева Умида Тулкиновна фойдасига 12.900.000 сўм;

- жабрланувчи Маматкулова Дилнура Сугтибаевна фойдасига, 8.110.000 сўм;

- жабрланувчи Мамадалиев Ислонбек Масудович фойдасига, 15.000.000 сўм;

- жабрланувчи Халилов Алишер Ахмаджонович фойдасига, 12.916.000 сўм;

- жабрланувчи Абдуллаева Дилдора Дилмуротовна фойдасига, 12.780.000 сўм;

- жабрланувчи Ахмедов Мурот Атхамович фойдасига, 9.400.000 сўм;

- жабрланувчи Эронаев Бахтиёр Убайдуллаевич фойдасига, 24.240.000 сўм;

- жабрланувчи Зияев Умид Хасанович фойдасига, 23.060.000 сўм
пуллар судланувчи А.А ва Ж.Азизовлардан солидар тартибда ундирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган А.Халилов тегишли бир дона “Lenova” русумли ноутбук, бир дона “ART Vision” номли планшет, Д.Абдуллаевага тегишли “LG LED-22” русумли телевизор, У.Зияевга тегишли “Roison 42 smart” русумли телевизорлар



ўз эгаларига қайтарилганлиги, ЖИБ Учтепа туман судининг ҳукми билан инобатга олинган.

Манфаатдор томонларга маҳкум А.Анинг ҳаракатлари оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласи юзасидан маҳкумнинг яшаш жойи бўйича фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Тошкент вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят ёки протест бериши мумкин.

Раислик қилувчи:	<i>(имзо)</i>	З.Шаропов
Халқ маслаҳатчилари	<i>(имзо)</i>	А.Кучкаров
	<i>(имзо)</i>	Т.Рахимов
<i>Ҳукм нусхаси аслига тўғри</i>		<i>З.Шаропов</i>

